



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 24 » oktabr

№ 616

Toshkent sh.

### **“Олий таълим аълочиси” ҳамда “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишонларини таъсис этиш тўғрисида**

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган, ўзининг юқори касб маҳорати, ёрқин истеъдоди ва ижоди, ватанпарварлик фазилатлари билан эл-юрт ўртасида ҳурмат қозонган, фаол ва ташаббускор, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида алоҳида намуна кўрсатиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. **“Олий таълим аълочиси” ҳамда “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишонлари таъсис этилсин.**

2. Қуйидагилар:

“Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 1а ва 1б-иловаларга мувофиқ;

“Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

“Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2а ва 2б-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

**“Олий таълим аълочиси” ҳамда “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишонлари мукофотланган шахсларга 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида топширилади;**

“Олий таълим аълочиси” ҳамда “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишонлари билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири буйруғи асосида амалга оширилади;

“Олий таълим аълочиси” ҳамда “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишонлари, уларнинг гувоҳномасини тайёрлаш ва мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмасига асосан “Олий таълим аълочиси” ҳамда “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари тайёрланишини белгиланган тартибда таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари қотибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 24 октябрдаги 616-сон қарорига  
1-илова

## **“Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан олий таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган, ўзининг юқори касб-маҳорати, ёрқин истеъдоди ва ижоди, ватанпарварлик фазилатлари билан эл-юрт ўртасида ҳурмат қозонган, фаол ва ташаббускор, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида алоҳида намуна кўрсатиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фуқаролар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мазкур Низом талаблари асосида тақдирланиши мумкин.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

### **2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби**

4. Давлат олий таълим ташкилотлари, шунингдек, давлат иштирокида ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари (давлат улуши бўлган нодавлат олий таълим ташкилотлари, қўшма таълим муассасалари, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган таълим муассасалари ва бошқалар) (кейинги ўринларда – олий таълим ташкилоти) ва нодавлат олий таълим ташкилотлари кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни **ҳар йили 20 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига** (кейинги ўринларда – Вазирлик) тақдим этади.

Номзод бўйича тақдим этилган таклифларга илова сифатида номзод ҳақида маълумотнома, сўнгги уч йил давомида у томонидан олий таълим тизимида самарали фаолияти акс эттирилган тавсифнома ҳамда номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири (кейинги ўринларда – Вазир) томонидан **ҳар йили 1 августга қадар** кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) тузилади.

Комиссия таркибига тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар вакиллари, олий таълим ташкилотлари раҳбарлари, етакчи олимлар ва мутахассислар, шунингдек, соҳада фаолият юритаётган нодавлат нотажорат ва халқаро ташкилотлар вакиллари киритилади.

6. Комиссия йиғилишида номзодлар бўйича ҳужжатлар ўрганилиб, **ҳар йили 15 сентябрга қадар** энг муносиб номзодлар бўйича якуний ҳулоса қабул қилинади.

7. Комиссия томонидан номзодларни кўкрак нишони билан тақдирлашда қуйидагилар инобатга олинади:

олий таълим ташкилотларининг педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш мезонларида қайд этилган кўрсаткичлар бўйича олинган юқори баҳолар;

талабалар орасида илм-фанга бўлган қизиқишни ошириш, “устоз-шоғирд” анъаналарини тарғиб қилишдаги фаол иштироки;

олиб бораётган илмий тадқиқотлари, ижодий фаолияти ва яратаётган ўқув-методик қўлланмаларида янгиликларнинг кўплиги тан олинганлиги;

ўз педагогик фаолиятида турли инновацион самарали усулларнинг ишлаб чиққанлиги;

ўзи фаолият олиб бораётган олий таълим ташкилотида амалга оширган ишлари туфайли ҳамкасблари томонидан чуқур ҳурматга сазоворлиги.

### **3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби**

8. Комиссия ҳулосаси асосида Вазирнинг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи **ҳар йили 25 сентябрга қадар** чиқарилади.

9. Кўкрак нишони мукофотланган шахсларга **ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида** Вазир (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали вазиятда топширилади.

10. Кўкрак нишони билан мукофотланган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

Бирйўла тўланадиган пул мукофотлари Вазирликнинг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади.

11. Кўкрак нишони билан тақдирлаш, истисно тариқасида, Вазирнинг буйруғига асосан алоҳида ҳолатларда (юбилейи муносабати билан, хорижий олий таълим ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатгани учун, яратган саноат мулки намуналари амалиётга кенг жорий этилганлиги учун ва бошқа муҳим сабабларга кўра) ҳам амалга оширилиши мумкин.

12. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати Вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқлардаги расмий каналларида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

13. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

14. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

**4-боб. Яқунловчи қоидалар**

15. Вазирлик ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

16. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони  
тўғрисидаги низомга  
илова

“Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича ҳужжатларни  
тақдим этиш ва кўриб чиқиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддати
1-босқич	Давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари	Кўкрак нишони билан тақдирлашга номзодларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади	Ҳар йили 20 июлга қадар
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун комиссия тузади	Ҳар йили 1 августга қадар
3-босқич	Комиссия	Номзодларнинг тегишли ҳужжатларини ўрганиб, энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилади	Ҳар йили 15 сентябрга қадар
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	1. Кўкрак нишонини билан тақдирлаш тўғрисида олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғини чиқаради. 2. Кўкрак нишони билан тақдирлайди.	1. Ҳар йили 25 сентябрга қадар 2. Ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 24 октябрдаги 616-сон қарорига  
1а-илова

### “Олий таълим аълоҳиси” кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

“Олий таълим аълоҳиси” кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони марказий қисмида очиқ ҳолатдаги китоб устида магистрлик бош кийими ва устида юқорига таралаётган нурлар зарҳал рангда тасвирланган.

Кўкрак нишони айланаси бўйлаб юқори қисмида оқ эмаль фонида зарҳалланган “OLIY TA'LIM A'LOCHISI” ёзуви, куйи қисмида эса битта саккиз қиррали юлдузга туташган иккита дафна новдаси жойлашган. Ҳарфлар баландлиги – 2 миллиметр, юлдузнинг диаметри – 2,2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги – 2,5 миллиметр.

Ёзув ва тасвирлар – бўртма.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари кабарик доира билан ўралган.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган. Қадағичнинг эни – 26 миллиметр, бўйи – 17 миллиметрдан иборат.

Қадағич эни 22 миллиметрли тўқ кўк рангдаги шойи лента қопланган бўлиб, ўртасидан 2 миллиметрли ҳамда икки четидан эни 1,5 миллиметрли сариқ рангли йўл вертикал ҳолатда ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Олд томони



Орқа томони



## “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



М 3:1



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 24 октябрдаги 616-сон қарорига  
1б-илова

**“Олий таълим аълочиси”  
кўкрак нишони гувоҳномасининг  
ТАВСИФИ**

“Олий таълим аълочиси” кўкрак нишонининг гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 33 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 6 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “OLIY TA'LIM A'LOCHISI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bold” шрифти, 14 кегль), иккинчи сатрда “ko'krak nishoni” (“Times new Roman Bold” шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 9 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bold” шрифти, 20 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар оқ рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) кўк–сарик (медалдаги олтин ранг) – кўк рангдаги градиент 25% шаффофликда бўялган.

Гувоҳнома ички томонининг чап томонида (иккинчи бети), марказда, кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда “GUVOHNOMA” (катта ҳарфларда, “Times New Roman” шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун “№” белгиси ва 16 миллиметрли чизик жойлашган.

Ундан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 9 миллиметрли учта чизик тортилган.

Пастки чизикдан 10 миллиметр қуйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O'zbekiston Respublikasi”, иккинчи сатрда “oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining” (“Times new Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 7 миллиметр пастда оралиғи 3,5 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20\_\_ yil “\_\_” \_\_\_\_\_dagi”, иккинчи сатрда “\_\_-sonli buyrug'iga asosan” (“Times new Roman Bold” шрифти, 8 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “OLIIY TA’LIM A’LOCHISI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bold” шрифти, 11 кегль), иккинчи сатрда “ko’krak nishoni bilan”, учинчи сатрда “mukofotlandi” (“Times new Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда, “Vazir” (“Times new Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

## “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони ГУВОҲНОМАСИ

<p>“OLIIY TA’LIM A’LOCHISI” ko’krak nishoni GUVOHNOMASI</p>	
	<p>GUVOHNOMA № _____</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(familiyasi)</small></p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>(ismi)</small></p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;"><small>otasining ismi</small></p> <p><b>O‘zbekiston Respublikasi</b> <b>Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining</b></p> <p>20 __ yil “__” _____ dagi _____ - sonli buyrug‘iga asosan</p> <p><b>“OLIIY TA’LIM A’LOCHISI”</b> <b>ko’krak nishoni bilan</b> <b>mukofotlandi</b></p> <p>Vazir</p>

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 24 октябрдаги 616-сон қарорига  
2-илова

**“Ўрта махсус ва профессионал таълим аълоҳиси”  
кўкрак нишони тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълоҳиси” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган, ўзининг юқори касб-маҳорати, ёрқин истеъдоди ва ижоди, ватанпарварлик фазилатлари билан эл-юрт ўртасида ҳурмат қозонган, фаол ва ташаббускор, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида алоҳида намуна кўрсатиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фуқаролар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мазкур Низом талаблари асосида тақдирланиши мумкин.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни  
тақдим этиш ва кўриб чиқиш**

4. Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни тегишлича олий таълим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаларига **ҳар йили 10 июлга қадар** тақдим этади.

Номзод бўйича тақдим этилган таклифларга илова сифатида номзод ҳақида маълумотнома, сўнги уч йил давомида у томонидан ўрта махсус ва профессионал таълим тизимида самарали фаолияти акс эттирилган тавсифнома ҳамда номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилади.

5. Олий таълим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (кейинги ўринларда – Вазирлик) **ҳар йили 20 июлга қадар** тақдим этади.

Кўкрак нишони билан бошқа вазирликлар ва идоралар тизимидаги ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг педагог ва ходимлари ҳам ёшларга таълим-тарбия беришда эришган муваффақиятлари учун ушбу вазирликлар ва идоралар раҳбарлари таклифларига асосан тақдирланиши мумкин.

6. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири (кейинги ўринларда – Вазир) томонидан **ҳар йили 1 августга қадар** кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) тузилади.

7. Комиссия йиғилишида номзодларнинг тегишли хужжатлари ўрганилиб, **ҳар йили 15 сентябрга қадар** энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

8. Комиссия томонидан номзодларни кўкрак нишони билан тақдирлашда қуйидагилар инобатга олинади:

ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш мезонларида қайд этилган кўрсаткичлар бўйича олинган юқори баҳолар;

ўқувчилар орасида илм-фанга бўлган қизиқишни ошириш, “устоз-шогирд” анъаналарини тарғиб қилишдаги фаол иштироки;

олиб бораётган илмий тадқиқотлари, ижодий фаолияти ва яратаётган ўқув-методик қўлланмаларида янгиликларнинг кўплиги тан олинганлиги;

ўз педагогик фаолиятида турли инновацион самарали усулларнинг ишлаб чиққанлиги;

ўзи фаолият олиб бораётган ўрта махсус ва профессионал таълим муассасасида амалга оширган ишлари туфайли ҳамкасблари томонидан чуқур ҳурматга сазоворлиги.

### **3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби**

9. Комиссия хулосаси асосида Вазирнинг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи **ҳар йили 25 сентябрга қадар** чиқарилади.

10. Кўкрак нишони мукофотланган шахсларга **ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида** Вазир (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали вазиятда топширилади.

11. Кўкрак нишони билан мукофотланган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

Бирйўла тўланадиган пул мукофотлари Вазирликнинг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади.

12. Кўкрак нишони билан тақдирлаш, истисно тариқасида, Вазирнинг буйруғига асосан алоҳида ҳолатларда (юбилейи муносабати билан, хорижий ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатгани учун, яратган саноат мулки намуналари амалиётга кенг жорий этилганлиги учун ва бошқа муҳим сабабларга кўра) ҳам амалга оширилиши мумкин.

13. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати Вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқлардаги расмий каналларида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

14. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

15. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

16. Вазирлик ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

17. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги  
низомга илова

“Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш  
бўйича ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш  
СХЕМАСИ

Боскичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддати
1-боскич	Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари	Олий таълим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаларига тақдим этади	Ҳар йили 10 июлга қадар
2-боскич	1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари. 2. Тизимида ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари бўлган олий таълим ташкилотлари.	Кўкрак нишони билан тақдирлашга номзодларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади	Ҳар йили 20 июлга қадар
3-боскич	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун комиссия тузади	Ҳар йили 1 августга қадар
4-боскич	Комиссия	Номзодларнинг тегишли ҳужжатларини ўрганиб, энг муносиб номзодлар бўйича якуний ҳулоса қабул қилади	Ҳар йили 15 сентябрга қадар
5-боскич	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	1. Кўкрак нишонини билан тақдирлаш тўғрисида олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғини чиқаради. 2. Кўкрак нишонини билан тақдирлайди.	1. Ҳар йили 25 сентябрга қадар 2. Ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 24 октябрдаги 616-сон қарорига  
2а-илова

## “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

“Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони марказий қисмида варақларига инновация ва касб-хунарни ифодаловчи белгилар туширилган очиқ ҳолдаги китоб ва унинг устида нур таратаётган қуёш шакли зарҳал рангда тасвирланган.

Кўкрак нишони айланаси бўйлаб оқ эмаль фонида зарҳалланган “O‘RTA MAXSUS VA PROFESSIONAL TA’LIM A’LOCHISI” ёзуви битилган бўлиб, ёзувлар саккиз қиррали юлдуз билан ажратилган. Ҳарфлар баландлиги – 2 миллиметр, юлдузнинг диаметри – 2,2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги – 2,5 миллиметр.

Ёзув ва тасвирлар – бўртма.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган. Қадағичнинг эни – 26 миллиметр, бўйи – 17 миллиметрдан иборат.

Қадағич эни 22 миллиметрли яшил рангдаги шойи лента қопланган бўлиб, ўртасидан 2 миллиметрли ҳамда икки четидан эни 1,5 миллиметрли сариқ рангли йўл вертикал ҳолатда ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Олд томони



Орқа томони



## “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



М 3:1



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 24 октябрдаги 616-сон қарорига  
2б-илова

**“Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишони  
гувоҳномасининг  
ТАВСИФИ**

“Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишонининг гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 30 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 4 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O’RTA MAXSUS VA PROFESSIONAL” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bold” шрифти, 12 кегль), иккинчи сатрда “TA’LIM A’LOCHISI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bold” шрифти, 12 кегль), учинчи сатрда “ko‘krak nishoni” (“Times new Roman Bold” шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 9 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bold” шрифти, 20 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар оқ рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) кўк-сарик (медалдаги олтин ранг) – кўк рангдаги градиент 25% шаффофликда бўялган.

Гувоҳнома ички томонининг чап томонида (иккинчи бети), марказда, кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда “GUVOHNOMA” (катта ҳарфларда, “Times New Roman” шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун “№” белгиси ва 16 миллиметрли чизик жойлашган.

Ундан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 60 миллиметрли учта чизик тортилган.


Пастки чизикдан 10 миллиметр куйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O‘zbekiston Respublikasi”, иккинчи сатрда “oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining” (“Times new Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 4 миллиметр пастда оралиғи 3.5 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20\_\_ yil “\_\_” \_\_\_\_\_dagi”, иккинчи сатрда “\_\_-sonli buyrug‘iga asosan” (“Times new Roman Bold” шрифти, 8 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 4 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O‘RTA MAXSUS VA PROFESSIONAL” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bold” шрифти, 11 кегль), иккинчи сатрда “TA‘LIM A‘LOCHISI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bold” шрифти, 11 кегль), кейинги иккита сатрнинг оралиғи 3,5 миллиметрли бўлиб, учинчи сатрда “ko‘krak nishoni bilan”, тўртинчи сатрда “mukofotlandi” (“Times new Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда, “Vazir” (“Times new Roman Bold” шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

## “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишони ГУВОҲНОМАСИ



	GUVOHNOMA № _____
	_____ (familiyasi)
	_____ (ismi)
	_____ (otasining ismi)
	<b>O‘zbekiston Respublikasi</b> <b>Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirining</b> 20 __ yil “__” _____dagi ____ - sonli buyrug‘iga asosan <b>“O‘RTA MAXSUS VA PROFESSIONAL</b> <b>TA‘LIM A‘LOCHISI”</b> <b>ko‘krak nishoni bilan</b> <b>mukofotlandi</b>
	Vazir

